

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил апрель ойининг 19 куни жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг очик суд мажлиси биносида бўлиб, раислик қилувчи М.Марахимов, Ҳ.Омоновнинг суд мажлиси котиблигида, Марғилон шаҳар прокурори ёрдамчиси А.Асқаров, гумон қилинувчи М.Закиров ва унинг ҳимоячиси А.Жўраев ҳамда жабрланувчи А.Мирзаалиевнинг иштирокида,

Зокиров Мирзахид Машрапович (Zakirov Mirzoxid Mashrabovich), 1985 йил 31 августда Тошлоқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, Тошлоқ тумани Ободонлаштириш бошқармасида ишчи, оилали уч нафар фарзанди бор, судланмаган, Қўштепа тумани, Файз маҳалла фуқаролар йиғини, Мустақиллик кўчаси, 135-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-1513-2301/186-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Гумон қилинувчи Зокиров Мирзахид Машрапович ўзганинг мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2023 йил 6 март куни соат 11ларда, Марғилон шаҳар, Янги Фарғона кўчасида жойлашган автомашиналарни таъмирлаш устахонасига келиб, фуқаро Мирзалиев Абдурасул Абдуллаевичга тегишли бўлган нархи 7.000.000 сўмлик автомобиль эҳтиёт қисмларини қаровсиз ҳолда қолдирилганидан фойдаланиб, ушбу автомобиль эҳтиёт қисмларини яшириш равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан кетиб юборган.

Дастлабки тергов давомида гумон қилинувчи М.Закиров ва жабрланувчи А.Мирзаалиев ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Марғилон шаҳар ИИБ ҳузуридаги ТБ суриштирувчисининг 2023 йил 30 мартдаги қарорига кўра, гумон қилинувчи М.Закировга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Гумон қилинувчи М.Закиров судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқроп экани, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англагани, жабрланувчи А.Мирзаалиевга етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи А.Мирзаалиев судда, ярашув тўғрисидаги аризани қувватлаб, М.Закировга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган



зарар тўлиқ қоплангани, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушингани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида, ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд жабрланувчи А.Мирзаалиев ва гумон қилинувчи М.Закировнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, химоячи А.Жўраев ва Марғилон шаҳар прокурори ёрдамчиси А.Асқаровнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчи М.Закировнинг айбига иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, томонларнинг ярашганлик ҳақидаги аризаларини қабул қилиб, жиноят ишини тугатишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84, 582, 583, 585-586-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Зокиров Мирзахид Машрапович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жинойий жавобгарликдан озод қилинсин.

М.Закировга нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан унинг айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Ажрим устидан у чиқарилган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда хусусий шикоят ёки хусусий протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

М.Марахимов

